



20
(1494)-son
21-may
2021

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА IT-ПАРК ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ

Навоий вилоятида IT-Парк филиали очилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги матбуот хизмати хабар берди.



Таълим

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАР РИВОЖИ УЧУН 10 МИЛИАРД СЎМ



Президент қарорига мувофиқ, ўтган йили ихтисослаштирилган таянч мактаблар ташкил этилиб, жиҳозланди. Тизимдаги корхона ва ташкилотлар ҳомий сифатида бириктирилиб, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ўн миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Бу йил 82та, 2022 йилда 64та ва 2023 йилда 45та шундай ихтисослаштирилган мактаб ташкил этиш кўзда тутилган.

2020 йилда ҳудудларда 14та таянч мактаблар очилди. Ушбу мактабларга жами 1 325 нафар ўқувчи ҳужжат топшириб, жорий йилнинг 12 январ куни тест синовлари асосида 18та гуруҳга 630 нафар ўқувчи саралаб олинди.

2021 йилда эса, ҳудудларда 82та мактаб ташкил этилиб, 164та гуруҳга 4 920 нафар ўқувчи саралаб олинади.

Мухтасар айтганда, беш ташаббус доирасида аҳоли ва ёшлар ўртасида компютер технологиялари ҳамда интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш, ёш авлодни билимли ва етук кадр сифатида шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омилдир.

Электрон ҳукумат

ЛОЙИХАЛАР САМАРАЛИ НАТИЖА БЕРМОҚДА

Бугун технологиялар шиддат билан ривожланмоқда. Замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб борди. Ҳозирда ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши ва унинг рақобатбардошлиги замонавий рақамли технологияларнинг давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига қай даражада жорий этилганига боғлиқ бўлмоқда. Буни исботи сифатида бир йилдан ортиқ вақтда давом этаётган пандемия шароитида рақамли технологиялар қанчалик муҳим ва зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.



ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР

(фойдаланувчилар сони)

- Facebook – 2,4 млрд.
- YouTube – 2,0 млрд.
- WhatsApp – 1,6 млрд.
- FB Messenger – 1,3 млрд.
- WeChat – 1,1 млрд.
- Instagram – 1,0 млрд.
- TikTok – 500 млн.
- Twitter – 330 млн.



Манба: SDW

Umadan
umagacha



14 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кўшма Ҳукуматларо комиссиянинг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзодани қабул қилди. Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 14 май куни Тошкент шаҳридаги шифо масканларида бўлиб, у ерда даволанаётган бемор болалар ҳолидан хабар олди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказига борди. Сўнгра Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари марказда даволанаётган болаларга шифо тилаб, ота-оналарига далда берди. Президент марказнинг ҳозирги имкониятлари етарли эмаслигини таъкидлаб, Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг бўш турган ҳудудида Республика онкология марказининг янги биноларини барпо этиш бўйича топшириқ берди. Шу ерда онкология тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 17 май куни техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология миллий тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тақдироти билан танишди.

8 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Жаҳон банки президентининг ўринбосари Анна Берде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳи ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш, мамлакатимизда ва умуман минтақада барқарор тараққиётни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорлик даражасини оширишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 май куни соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш ва рақамлаштириш жараёналарини жадаллаштириш юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 май куни "Российские железные дороги" компанияси ("РЖД" ОАЖ) бош директори - бошқаруви раиси Олег Белозёровни қабул қилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БАРЧА ПОЛИКЛИНИКАЛАР ТЎЛИҚ РАҚАМЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 май куни соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари муҳокама юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги вазифаларни бешта йўналишда кўрсатиб ўтди.

Биринчиси - бирламчи тиббиёт бўғинини касалликни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш.

Иккинчиси - ихтисослашган марказлар томонидан жойларда тор доирадаги тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш.

Учинчиси - рақамлаштириш орқали соҳада қоғозбозлик, бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш.

Тўртинчиси - тиббиётнинг барча йўналишларида рақобатни ривожлантириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш.


Бешинчиси - тиббиёт ходимлари билимини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш.

Йиғилишда ушбу вазифаларни бажаришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда уч мингдан ортиқ тиббиёт муассасаси бўлиб, уларнинг фаолиятига замонавий технологиялар жорий этилмоқда. 423та бирламчи тиббиёт муассасаси "Электрон поликлиника" ахборот тизимига уланган. Лекин янги ишлаш учун ҳамма жойда ҳам шароит зўр эмас. Айрим тиббиёт муассасаларида компьютер етишмайди. Соҳани рақамлаштириш учун бу йил бюджетдан 28 миллиард сўм ажратилган бўлса-да, бу борадаги ишлар суст кечмоқда.

Шу боис, вилоят тиббиёт бошқармаларида рақамлаштириш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича ўринбосар лавозими ташкил этилиши белгиланди. Шунингдек, барча тиббиёт муассасаларида электрон тизим билан ишлайдиган икки мингта оператор-ҳамшира вазифаси жорий этилади.

Шу йил 1 августга қадар электрон ордер тизимини ишга тушириб, барча ҳудудлар ва ихтисослашган марказларни улаш, 1 ноябрга қадар Тошкент шаҳридаги барча поликлиникаларни тўлиқ рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.



УЧИНЧИ ТАШАББУС

1 НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА IT-ПАРК ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ



Тадбирда "Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси" МЧЖ директори Ф.Ибрагимов ҳамда Навоий вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари Т.Атамуродов, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳа мутахассисларидан иборат кенг жамоатчилик вакиллари IT-Парк резидентлари ҳамда талабалар ва ўқувчилар иштирок этди.

IT-Парк филиалида IT-мутахассислар, фрилансерлар, START-UP жамоалар ишлаши ҳамда

ёшларга сифатли таълим бериш учун барча қулайликлар яратилган. Бино Co-working (kovorking), резидентлар ва стартапчилар учун офис жойлари, ахборот-коммуникация технологиялари ўқув хонаси, робототехника, кичи бериш спорт, учрашувларни ўтказиш хоналари ва бошқа ёрдамчи хоналардан ташкил топган.

Навоий вилоятида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси йўналиши бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ташкил этилган IT-Парк Навоий филиали ҳам ёшларни мазкур соҳага қизиқтириш, соҳада фаолият олиб

бораётган тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёزلарни берган ҳолда, янада кенгроқ ва самарали фаолият олиб боришлари учун кенг имкониятларни яратиб беради. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, лойиҳа ва стартапларни ҳаётга татбиқ этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳаларга жорий этишда кўприк вазифасини бажаради.

Филиал вилоятда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият олиб бораётган юридик шахслар, олий таълим муассасалари, ҳозирда Навоий шаҳридаги

8-умумтаълим мактаби негизда ташкил этилган информатика ва ахборот технологиялари ихтисослаштирилган таянч мактаби билан ҳамкорлик олиб боради.

Шунингдек, филиал қошида вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманларида ташкил этиладиган Рақамли технологиялар ўқув марказларга фаолият олиб боради. Ҳозирги кунда саккизта шаҳар ва туманларда мазкур марказлар ташкил этилган. Жорий йил якунига қадар яна учта шаҳар ва туманларда Рақамли технологиялар ўқув марказлари очилади.

1 ← ЛОЙИХАЛАР САМАРАЛИ НАТИЖА БЕРМОҚДА

Шунинг учун, яна бир муҳим ҳужжат – “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси қабул қилинди (2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079). Мазкур Стратегия доирасида ҳудудларни ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари белгилаб берилди, мақсадли кўрсаткичлар, электрон давлат хизматлари ва уларнинг тўлов механизмларини такомиллаштириш бўйича “йўл хариталари” тасдиқланди.

Ушбу қарорлар доирасида “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ташкил этилди. Марказ томонидан бугунги кунда электрон ҳукумат тизимини янада ривожлантириш борасида самарали ишлар қилинмоқда.

Электрон ҳукуматни кенг жорий қилишда асосий масалалардан бири осон, қулай ва хавфсиз идентификация ҳисобланиб, ҳозирда Электрон ҳукумат фойдаланувчиларини идентификация қилишнинг амалдаги ахборот тизимидаги мавжуд камчиликлар, кузатилаётган узилишлар баргараф қилинди ҳамда қулай ва содда рўйхатдан ўтиш имкониятини яратиш мақсадида тизимнинг янги талқини ишлаб чиқилиб, ишга туширилди (www.id.egov.uz). Эски тизимда рўйхатдан ўтган актив фойдаланувчилар маълумотлари янги тизимга автоматик миграция қилинди.

Тизимнинг ишга тушишига қисқа вақт бўлганига қарамастан, бугунги кунда унинг фойдаланувчилари сони 220 мингга ортиб, 820 мингга етди.

Давлат органларида электрон ҳукуматнинг жорий этилган ва жорий этилаётган ахборот тизимлари ҳисобини юритиш ва мониторингини олиб бориш, шунингдек, лойиҳа-техник ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёнини электрон шаклга ўтказиш имкониятини яратиш мақсадида Электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурсларининг ягона реестри ахборот тизими ишлаб чиқилиб, синов тарихида ишга туширилди (www.geestr.uz).

Электрон ҳукуматнинг маълумотномалар ва классификаторлар реестри (www.cs.egov.uz) ахборот тизимининг янги талқини ишлаб чиқилди ва синов тарихида ишга туширилди. Ушбу тизимнинг асосий мақсади – электрон давлат хизматларини кўрсатишда давлат идораларини ахборот тизимларининг идораларо электрон ҳамкорлиги доирасида ягона талабларга мувофиқ замонавий маълумотномалар ва таснифлагичларни шакллантириш, сақлаш, янгилаш ва таъминлашдан иборат. Бугунги кунга келиб Регистрда 13та ташкилот томонидан 41та классификатор киритилган.



Маълумотнинг “қимматлилиги” – унинг долзарблиги билан ўлчанади. Бу борада бугунги кунда Давлат статистика қўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар порталининг янги талқини ишлаб чиқилмоқда. Ушбу янгиланган портал давлат органларининг ахборот тизимлари интеграциясини назарда тутди ва маълумотларни ўз вақтида янгиланишнинг мониторинг тизимини таъминлайди.

Бугунги кунга қадар жорий порталда 149та давлат идоралари томонидан 11 мингдан ортиқ маълумотлар тўплами жойлаштирилган бўлиб, улардан фойдаланишлар сони 7,5 млн. дан ортиқ.

Келгусида Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази томонидан Ягона порталда давлат божларини ва давлат органлари томонидан солинган жарималарни ва бошқа тўловларни тегишли банк ва бошқа тўлов тизимлари орқали онлайн тарзда тўлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатувчи алоҳида платформа ишлаб чиқилиши кўзда тутилган ҳамда электрон ҳукумат инфратузилмасини яратиш ишларини сифатли ва самарали давом эттириш, шу жумладан, аҳолига кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари кўламини ва уларнинг самардорлигини ошириш мақсадида идораларо интеграцион платформа тизимини такомиллаштириш борасида ишлар амалга оширилади.

Шу билан бирга, Давлат хизматлари ва бошқа электрон ҳукумат ахборот тизимлари хизматларини кўрсатганлик учун тўланадиган давлат божи ва йиғимлар миқдорини ҳисобга олишнинг ягона биллинг тизимини такомиллаштириш ва тегишли ташкилотлар ахборот тизимлари билан босқичма-босқич интеграция қилиш ва Ўзбекистон Республикаси очiq маълумотлар порталининг янги талқинини ишлаб чиқиш ва у орқали янги маълумотларни қўйишга онлайн сўров юбориш, интеграциялаш ва махсус веб-сервислар орқали маълумотларни тўғридан-тўғри юклаб олиш имконияти яратилиши кўзда тутилган.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ



ЭЪТИРОМ ВА РАҒБАТ ҚУВОНЧИ

“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали ва филиал бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси ҳамкорлигида Аввал қишлоғининг сўлим, барҳаво дам олиш масканида фахрийларга байрамона дастурхон тузалди. Меҳмонга таклиф этилган саксон нафар фахрийга ва айни дамларда юқори марраларни қозониб меҳнат қилаётган жамоаларнинг йигирма нафар аъзосига иззат-икром кўрсатилиб, барчаларига эсдалик совғалари тақдим этилди.

Муборак Рамазон ойидан сўнг ташкилланган дийдорлашиш шодёнаси дилларга битмас-туганмас ҳузурбахш онларни тухфа этди. Нурунийлар соҳада устозлар ҳурматини жойига қўйишдек эзгу қадриятлар бардавом эканлигидан жуда мамнун бўлди. Қалбларига илиқлик, вужудларига бардам-бақувватлик иниб, соҳа тараққиёти йўлида жавлон уриб меҳнат қилган дамларидагидек яшариб-яйраб кетдилар. Сўзга чиққан устоз-мураббийлар бу чиройли эътиром ва эҳсон учун чексиз миннатдорлик изҳор этиб, соҳадаги юксак муваффақиятлар давомий бўлиб қолишини тиладилар.

С.ҲАФИЗОВА

ЭЗГУЛИК АКЦИЯСИ

МУРУВВАТ УЙЛАРИ ДОИМ ЭЪТИБОРИМИЗДА



Сўнгги йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, бу йўлда самарали тизимни шакллантириш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2021 йил 25 мартда “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат доирасида “Электромагнит мослашув маркази” ДУК томонидан республикамиз вилоятларида жойлашган Мурувват уйларида яшовчи юртдошларимиз ҳолидан хабар олиш мақсадида “Сиз доим бизнинг эътиборимиздасиз!” номли акция старт олди.

Дастлабки тадбир жорий йилнинг 18 май куни Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида Мурувват интернат уйида яшовчи аёллар ҳолидан хабар олиш, уларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш билан бошланди. Акция давомида интернат уйида истиқомат қилувчи аёлларга марказ ходимлари ҳамда корхонада маънавият-маъ-

рифат ишларига масъул Д.Тўйчиева ташаббуси билан олинган совғалар, санитария-гигиена воситалари ҳамда кийим-кечақлар тақдим этилди.


– Давлатимизга, қолаверса, эътибору ғамхўрлик кўрсатиб келаётган барча давлат ва нодавлат ташкилотларга, шу жумладан, “ЭМММ” ДУК раҳбарияти, барча ташаббускор ходимларига мингдан минг раҳмат, – дейди интернат уйининг директори Нафиса Шарипова.

Сирдарё вилоятидан бошланган ушбу савобли амалларга йўрилган тадбирлар республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам уюшқоқлик билан давом эттирилишига ишонамиз. Узро меҳр-оқибатли, ахиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим болаларнинг бошини силаш ҳамда меҳр-муҳаббатли бўлиш донишманд халқимизнинг асрий урф-одатларидан биридир.

О.ОСТАНАҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти ЭММХ
маънавият ва маърифат
ишлари масъул ходими

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ҲУДУДИНГИЗНИ ТЎҒРИ БОШҚАРИШНИ ЎРГАТАДИ

ЯҚИН ЙИЛЛАР ИЧИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ САРИ ҚАДАМ ТАШЛАБ, КЎЗГА КЎРИНАРЛИ ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТА БОШЛАДИ. ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ШУНИ КЎРСАТДИКИ, ҲАР ТОМОНЛАМА БИЛИМЛИ ВА САЛОҲИЯТЛИ БОШҚАРУВГИНА МАМЛАКАТНИ ЮҚОРИ ПОҒОНАЛАРГА ОЛИБ ЧИҚАДИ.



Шунинг учун ҳам бугун ҳар бир соҳада туб ислохотлар амалга оширилиб, ушбу жараёнга нафақат марказий туман ва шаҳарлар, балки ҳудудлар ҳам қамраб олинмоқда. Бироқ аср талаби – келажакнинг асосий тенденцияси бўлган рақамли технологияларни тезроқ ўзлаштирмай туриб, кутган натижаларимизга эриша олмастемиз аниқ. Бу борада электрон ҳукуматнинг ҳудудий рақамли ривожланиш даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳўш, бугун республикамиз ҳудудларининг рақамли ривожланиш даражаси қандай? Бу ҳақда Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази ходими Абдор ШАЗИМОВдан билиб оламиз.

– Айтинг-чи, бугун республикамиз ҳудудларининг рақамли ривожланиш даражаси қандай?

– Республикамиз пойтахти ва вилоятлар марказлари ҳамда йирик шаҳарларнинг рақамли ривожланиш даражаси анча юқори! Лекин ҳудудлардаги аксарият туман ва шаҳарларда кўрсаткич қониқарсиз аҳволда.

Мисол учун, республика бўйича жойлардаги телекоммуникация инфратузилмаси 70 фоиз, Иқтисодиётни рақамлаштириш кўрсаткичи 36, ижтимоий объектларда тармоқ технологияларини жорий этиш ҳолати 63 ва рақамли таълим бўйича кўрсаткичлар 54 фоизни ташкил этмоқда.

Биргина Тошкент шаҳрининг рақамли ривожланиш даражасини яхши деб айта оламиз. Олтита ҳудудимиз қониқарли ҳолатда, бу 43 фоизни ташкил этади дегани. Еттита ҳудуд (50 фоиз) эса қониқарсиз деб баҳоланган.

– Улар қандай кўрсаткичлар асосида баҳоланади?

– 2020 йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ҳудудларнинг рақамли ривожланиш даражасини баҳолаш тартиби тасдиқланган бўлиб, унга кўра дастлабки баҳолаш республикамиздаги 203та шаҳар ва туманлар кесимида амалга оширилди.

Белгиланган тартибга мувофиқ, ҳудудлар якуний, яъни “яшил” – яхши, “сарик” – қониқарли ва “қизил” – қониқарсиз натижа билан баҳоланади.

Бунда тўртта кўрсаткич асос қилиб олинган. Жумладан: “Рақамли инфратузилма” –

аҳоли масканларининг интернет, мобил алоқа, Wi-Fi нуқталари ва бошқалар билан қамраб олинганлик даражасига кўра – (35 балл);


“Рақамли иқтисодиёт” – электрон ҳисоб-фактура ва онлайн назорат-касса машиналаридан самарали фойдаланиш, маҳаллий IT-хизматлар бозори ҳолати, электр ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ва бошқалар – (25 балл);

“Ижтимоий объектларда тармоқ технологияларидан фойдаланиш” – ижтимоий муассасалар (болалар боғчаси, мактаблар, поликлиникалар)да интернетдан фойдаланиш ҳамда таълим ва бошқа тизимлар, шунингдек, дастурий маҳсулотлар-

ги вазирликлари, давлат статистика ҳамда солиқ қўмиталари, “Худудгазтаъминот”, шунингдек, “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари белгиланган.

Баҳолаш сифат ва миқдор кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Масалан, баъзи давлат органлари томонидан тақдим этиладиган кўрсаткичларда режалаштирилган ва амалга оширилган ишлар сони баҳоланган бўлса, баъзиларида кўрсаткичнинг ҳўжалик корхоналари ёки аҳоли сонига нисбатан улуши баҳоланган.

– Айтинг-чи, ҳудудларнинг рақамли ўсиш даражасини баҳолашдан асл мақсад нима?



ни жорий этиш ҳолатини баҳолаш – (20 балл);

“Рақамли таълим” – мактабларни йўналиш бўйича дипломга эга информатика ўқитувчилари билан ҳамда ўқувчиларнинг “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси бўйича қамраб олинганлиги, аҳолининг IT-секторда бандлиги, IT-ўқув марказлари ва бошқалар – (20 балл).

– Баҳолашга айнан қайси давлат органи масъул? Яна жараёнда иштирок этувчи давлат ташкилотларининг вазифалари нималардан иборат?

– Баҳолашга масъул давлат органи – Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ишчи, яъни баҳолаш билан бевосита шуғулланувчи орган – Электрон ҳукумат лойиҳаларини ривожлантириш маркази ҳисобланади.

Ҳудудларнинг рақамли ривожланиш даражасини баҳолаш ва рейтингини шакллантиришда маълумот тақдим этувчи давлат ташкилотлари сифатида эса халқ таълими, соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим, қишлоқ ҳўжалиги, сув ҳўжалиги-

– Асосий мақсадимиз энг илғор ёки энг қуий ҳудудларни аниқлаб, уларга ижобий ёки салбий баҳо бериб ўтириш эмас, балки қизил рўйхатга тушган шаҳар ва туманларнинг рақамлаштиришга тўсқинлик қилаётган омилларини, камчиликларини масъул органлар билан бирга бартараф этишдир.

Шу билан бирга, баҳолаш натижалари асосида интернет қамрови даражасини, мобил алоқа ва телекоммуникация хизматларининг сифатини ошириш.

Фаолиятида АКТдан самарали фойдаланувчи корхоналар кўламини кўпайтириш, электрон тижоратни ривожлантириш.

Мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ва умумтаълим мактаблари каби ижтимоий объектларда тармоқ технологияларидан фойдаланишни йўлга қўйиш.

Вилоят ва шаҳарларда рақамли кўникмалар даражасидаги бўшлиқни бартараф этиш мақсадида Республиканинг барча ҳудудларида АКТга ихтисослаштирилган мактаблар ва ўқув марказларини ташкил этиш бўйича ишларни амалга ошириш.

– Энди бизни натижалар билан ҳам таништирсангиз...

– Рақамли ривожланиш ҳолатининг якуний баҳоси бўйича дастлабки босқичда атиги 28та туман ва шаҳарлар “яшил” рўйхатга кирган. Вилоятлар кесимида ўтказилган баҳолашда эса, юқорида айтиб ўтганимдек, фақат Тошкент шаҳригина яшил рўйхатдан жой олди.

Туманлар кесимида Рақамли ривожланиш ҳолати қониқарли деб топилиб, “сарик” рўйхатга киритилганлари – 59та. Шунга қарамай, улар орасида айрим мезонлар бўйича “аъло баҳо”ни қўлга киритиб, “Рақамли инфратузилма” доирасида 91 баллдан ошганлари ҳам бор. Вилоятлар кесимида эса бта ҳудуд сарик рўйхатда.

Рақамли ривожланиш ҳолати қониқарсиз деб топилганлари, яъни “қизил” рўйхатдагилар туман ва шаҳарлар кесимида 116та, вилоятлар кесимида 7тани ташкил этган.

– Санаб ўтган камчиликлар ечимини бўйича қандай ишлар олиб борилляпти?

– Эндиликда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, АКТ вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ҳамда Ўзкомназорат инспекцияси томонидан ишчи гуруҳлар тузилган ҳолда рейтингда қизил рўйхатга кирган ва паст натижа кўрсатган ҳудудларда ўрганишлар ташкил этилди. Электрон ҳукумат маркази томонидан тайёрланган таклифлар асосида ҳудудлар ҳолатини яхшилаш бўйича устувор вазифалар аниқланиб, йўл хариталари ишлаб чиқилди ва ҳар бир ҳудуддаги маҳаллий ижро этувчи ҳўкимият органи томонидан тасдиқланди.

Навбатдаги июл ойи ҳолати бўйича ўтказиладиган баҳолашга қадар мазкур йўл хариталарида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали камчиликлар бартараф этилиши ҳамда қизил рўйхатдаги шаҳар ва туманлар кўрсаткичи яхшилаши кўзда тутилган.

Мақсадимиз – ҳар бир шаҳар ва туман, қолаверса, ҳар бир ҳонадонда электрон ҳукуматнинг кенг имкониятларидан фойдаланишга шароитлар яратиш!

– Тушундикки, электрон ҳукумат бизга ҳудудимизни тўғри бошқаришни ўргатади. Берган маълумотларингиз учун катта раҳмат!

Шоҳида ИСРОИЛОВА
суҳбатлашди

РЕЙТИНГ

УЗБЕКИСТАН УЛУЧШИЛ ПОЗИЦИИ В МИРОВОМ РЕЙТИНГЕ СКОРОСТИ ИНТЕРНЕТА

Ирландская компания Ookla опубликовала данные сервиса Speedtest.net по ежемесячному рейтингу Speedtest Global Index, в котором содержатся данные по скорости мобильного и проводного интернета в мире по итогам апреля 2021 года. Узбекистан снова показал рост по скорости мобильного и фиксированного интернета.

За последний год скорость фиксированного интернета в Узбекистане выросла более чем в 1,5 раза (рост 51,8%) раза с 25,82 Мбит/с в апреле 2020, до 39,2 Мбит/с (Download) в апреле 2021 года. А за последние три года скорость проводного интернета в Узбекистане выросла более чем в три раза с 11,62 Мбит/с в марте 2019 года.

По скорости мобильного интернета Узбекистан также улучшил свои позиции по сравнению с апрелем 2020 года, поднявшись сразу на 4 позиции вверх. За последний год скорость мобильного интернета, по данным сервиса Speedtest.net выросла с 9,68 Мбит/с в апреле 2020, до 17,28 Мбит/с (Download) в апреле 2021 года. Рост составил 78,5% за год.




ITWOMEN.UZ

СТАРТОВАЛА ВТОРАЯ ВОЛНА ПРОЕКТА «ITWOMEN.UZ»

17 мая 2021 года по всей республике запустилась вторая волна проекта «ITWomen.Uz», в рамках которого организуются краткосрочные онлайн и офлайн тренинги по женскому предпринимательству и компьютерной грамотности.

Напомним, что проект «ITWomen.Uz», направленный на привлечение женщин в сферу информационно-коммуникационных технологий организован Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан, IT-Park совместно с Министерством по поддержке махалли и семьи, Ташкентским университетом информационных технологий имени Мухаммада аль-Хоразми, университетом Agniy в Ташкенте, университетом INHA в Ташкенте. Спонсором проекта является «Uzcard».

Основная цель проекта – обеспечить возможность обучения и трудоустройства женщин, включенных в «аёллар дафтари», в области информационных технологий.



На первом этапе проекта, который состоялся с 17 февраля по 4 марта 2021 года, более 2 000 женщин прошли курсы и получили актуальные знания о современных технологиях, повысили компьютерную грамотность, получили базовые знания в создании сайтов

и практические навыки в области компьютерного дизайна.

Второй этап продлится до 14 июня текущего года, во время которого также планируется обучить девушек и женщин со всех регионов Узбекистана информационным технологиям.

ОНЛАЙН-СЕРВИСЫ

УСИЛИВАЕТСЯ КОНТРОЛЬ НАД СЕРВИСАМИ ОНЛАЙН-ВЫЗОВА ТАКСИ

С 1 сентября Yandex Go, MyTaxi и другие обязаны интегрироваться с базой налогового комитета. С 15 мая запускается эксперимент, в рамках которого индивидуальные предприниматели смогут оказывать услуги такси.

С 1 сентября таксисты-ИП будут работать только через агрегаторы, которых сейчас в стране около 20 (Yandex Go, MyTaxi и другие).

Вместе с тем, утверждены условия работы агрегаторов. Одно из них касается интеграции программ по поиску клиентов с электронной базой Государственного налогового комитета и единой информационной системой UzTrans.

Если агрегаторы этого не сделают, то их работа на территории Узбекистана будет ограничена, в частности, через блокировку сервиса.



КОРОТКО

Согласно данным Coindesk биткоин в среду (19 мая) упал ниже отметки в 35 тыс долл. – до минимума за три с половиной месяца и потянул за собой другие цифровые валюты после того, как Китай ввел новые ограничения на транзакции с криптовалютами.

Биткоин, самая востребованная криптовалюта, уже находилась под давлением серии твитов Илона Маска, но новости из Поднебесной отправили ее до отметки 38 514 долл., т.е. падение составило 9%. Криптовалюта упала почти на 40% от рекордного уровня в 64 895 долл., достигнутого 14 апреля. Она также приближается к своему первому ежемесячному снижению с ноября 2018 года.

На конференции Google I/O компания анонсировала выход первой публичной беты Android 12. Как отмечается, с самого начала Android был ориентирован на персонализированный подход, возможность выбрать устройство, сервис и опции, которые подойдут конкретному пользователю.

Подчеркивается, что изменен дизайн ОС, и это самые масштабные изменения за всю историю Android. Полностью переработан интерфейс: начиная от цветов и форм, заканчивая подсветкой и графикой. В результате этого Android стал более выразительным, динамичным в использовании и более персонализированным, чем когда-либо, уверяют в Google.

Также в Google заявили, что Android 12 обладает и другими полезными характеристиками: например, пользователи ждет улучшенная версия специальных возможностей для слабовидящих, опция длинного скриншота, виджеты разговоров с самыми частыми собеседниками на главном экране и много другое.

Подразделение Check Point Research представило апрельский отчет Global Threat Index о наиболее активных кибер-угрозах. По данным исследователей, в глобальных масштабах троян AgentTesla впервые поднялся на второе место в рейтинге. Лидирующую позицию сохраняет троян Dridex.

В апреле Dridex (троян, нацеленный на Windows), распространился через вредоносную кампанию с использованием бренда QuickBooks (бухгалтерский программный комплекс). Злоумышленники пытались привлечь внимание пользователей фейковыми уведомлениями об оплате счетов. К фишинговым письмам было прикреплено вредоносное вложение Microsoft Excel – оно могло заразить систему трояном Dridex.

Мировой рынок публичных облачных услуг в 2020 г. вырос на 24,1%, до 312 млрд долл., — сообщает IDC.

Ведущие сервис-провайдеры продолжают консолидировать расходы заказчиков — Amazon Web Services, Microsoft, Salesforce.com, Google и Oracle совместно оставили за собой 38% общей выручки, тогда как годом ранее было 32%. Причем, благодаря активно развивающемуся портфолио продуктов на базе SaaS и SISaaS, Microsoft теперь делит лидирующие позиции с AWS — за компаниями по 12,8% выручки.



СИЁСАТ

ХИАОМИ ҚОРА РЎЙХАТДАН ЧИҚАРИЛДИ

АҚШ судларига берган даъво аризадасидан сўнг, Xiaomi, ниҳоят, қора рўйхатдаги компаниялар қаторидан чиқарилди.



Томонлар ушбу масалани суд аралашувисиз ҳал қилишга келишиб олишди, деб ёзади Bloomberg.

Можаро собиқ президент Доналд Трамп 2020 йил ноябр ойида Xiaomiни "Коммунистик Хитой харбий компанияси" дея тамғалаб, АҚШ фуқаролари ва компанияларига у билан ҳамкорлик қилишга ёки унга сармоя киритишга тақиқ қўйиши билан бошланганди.

СМАРТФОНЛАР

ЭНГ КАТТА КАМЕРАЛИ СМАРТФОН ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Энг катта камерали смартфон — Sharp Aquos R6 тақдим этилди. Телефон камераси датчиги 1 дюйм (2,54 сантиметр)га тенг.

Бу, масалан, Mi 11 Ultraда ишлатилаётган камерадан каттароқ. Бироқ Sharp Aquos R6нинг камераси энг катта бўлгани билан, негадир, атиги 20,2 мегапикселли. Смартфоннинг камералар тизимида 3D ToF модули ҳам бор. Камерага Leica Summicron объективи ўрнатилган.

R6нинг қолган барча жиҳатлари флагманга хос: Snapdragon 888 процессори, 6,6 дюймли қабарик OLED-экрани (WUXGA+ (2730 x 1260 пиксел) 240 Гц гача янгиланиш частотасига эга. Смартфонга сизимдор 5000 мАс аккумулятор ўрнатилган.

Смартфоннинг нархи ҳозирча маълум қилинмаган. Июнь ойининг иккинчи ярмида сотувга чиқиши кутилмоқда.

САЛОМАТЛИК

СМАРТФОНДАН ВОЗ КЕЧИШ НИМА БЕРАДИ?

Nusk наشري смартфонлардан воз кечишнинг фойдасига бағишланган тадқиқот-мақолани эълон қилди.



Аникланишича, катта экранли қурилмаларга боғланиб қолганлар тугмали оддий телефонга ўтишганидан сўнг ўзларини руҳан анча бардам сезишни бошлашган. Масалан, фикрларини бир жойга жамлашлари осонлашган.

Смартфонга сарфланаётган вақт ва инсондаги хавотир, рухий зўриқиш ўртасидаги боғлиқликлар ҳам аниқланган. Смартфонлар воситасида одамлар одатда ижтимоий тармоқларга кўп киришади, руҳан синиқиш, кайфиятнинг ёмонлашувининг бош сабабчиси шу, дейишмоқда олимлар.

ИЛОВАЛАР

"ЭНГ ОЧКЎЗ" 50 ИЛОВА

Хавфсиз булутли сақлаш сервис — pCloud мутахассислари турли мобил иловаларни ўрганиб чиқишди. Уларнинг орасидан смартфон ресурсларини энг кўп сарфлайдиган 50 та илова рўйхати тузилди.

Дастлабки тадқиқотда сўралувчи рухсатлар сони, "қора мавзу" (қора фон) бор-йўқлиги ва энергия сарфи ҳисобга олинди. Компания сайтида жойлаштирилган маълумотга кўра,



смартфон аккумулятори қувватини энг кўп сарфловчи иловалар бешлигига Fitbit, Verizon, Uber, Skype ҳамда Facebook киритилган. Бу рўйхатда Instagram — 8, WhatsApp — 12, Zoom — 13, YouTube — 14, Telegram — 17-ўринда (тепадаги инфографика).

Иккинчи тадқиқотда қайси мобил софт смартфон хотирасида энг кўп жойни банд этиши аниқланди. Бу борада етакчилар: United Airlines (437,8 МБ), Lyft (325,1 МБ) ва Uber (299,6 МБ). Шунингдек, Fitbit ва Facebook ҳам бешликда. YouTube — 9, TikTok — 11, Instagram — 25-ўринда.

РЕЙТИНГ

BLOOMBERG ИЛОН МАСКНИ ЭНГ БОЙ ОДАМЛАР РЎЙХАТИДА ПАСАЙТИРДИ

18 май куни Bloomberg Tesla акцияларининг арзонлашуви фонида Маскнинг бойлиги 3,16 миллиард долларга камайиб, 160,6 миллиард долларгача тушганини эълон қилди. Лекин Forbes аввалгидек Маскни Amazon ҳамда Blue Origin компаниялари асосчиси Жефф Безосдан кейин дунёнинг иккинчи энг бадавлат одами деб ҳисобламоқда.



Халқаро ҳаёт

БМТ БОШ ҚОТИБИ ФАЛАСТИН- ИСРОИЛ МОЖАРОСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛИНИ ТАКЛИФ ЭТДИ

БМТ Бош қотиби Антониу Гутерешнинг фикрича, Исроил-Фаластин можаросини ҳал қилишнинг ягона йўли — пойтахт Қуддусда иккита давлат яратиш бўйича музокараларга қайтиш.

"Ягона йўл — БМТнинг тегишли қарорлари, халқаро ҳуқуқ ва аввалги келишувларга асосан Қуддус иккала давлатнинг пойтахти сифатида тинч, хавфсиз ва ўзаро ҳурмат асосида ёнма-ён яшайдиган икки давлатни яратиш мақсадидаги музокараларга қайтиш", — деди у.

Можаронинг авж олиши 1967 йилги Олти кунлик урушдан кейин шаҳарнинг шарқий қисмида Исроил назоратини кенгайтириш шарафига нишонланган Қуддус кунда исроилликлар ва фаластинликлар ўртасидаги тўқнашувлар фонида бошланганди.




ДУНЁДА ЭМЛАНГАНЛИК ҲАҚИДАГИ ҚАЛБАКИ МАЪЛУМОТНОМАЛАР САВДОСИ АВЖ ОЛМОҚДА

Ҳозирга келиб дунё бўйича कोरोनाвирусга қарши эмланганлик ҳақидаги қалбаки маълумотларни сотиш билан шуғулланувчи 1,2 мингдан кўпроқ компания мавжуд. Бу ҳақда киберхавфсизлик соҳасида фаолият юритувчи Check Point компанияси маълум қилди.

Даркнетда қалбаки маълумотномаларни сотиш бўйича ўтказилган тадқиқот муаллифларидан бири Овед Ванунинг айтишича, эмланганлик ҳақидаги қалбаки ҳужжатлар савдоси АҚШ, Британия ва Германияда, айниқса, фаол олиб борилмоқда.

"Қалбаки сертификатларнинг катта қисми Telegram каналлари орқали сотилмоқда. Ҳозирда 100дан ортиқ бундай канал бор, ваҳоланки март бошида улар бор-йўғи 5та бўлган", деб маълум қилган мутахассис.

Унинг таъкидлашича, бу турдаги қалбаки ҳужжатлар савдосига чек қўйишнинг ягона йўли эмланганларнинг глобал базасини яратишдир.



Ҳозирги пандемия шароитида эмланганлик ҳақидаги маълумотнома кўплаб чекловлардан озод бўлиш, эркин ҳаракатланиш имконини беради. Бундай ҳужжатларга талабнинг ошиши шу билан боғланган.

КОРОНАВИРУСНИНГ ЯНГИ АЛОМАТИ АНИҚЛАНДИ

Ҳиндистоннинг Карнатака штати Бангалор шаҳри шифокорлари рўйхатига кучли оғиз қуришини ҳам қиритиш мумкин деган фикрни билдиришди. Улар ачишиш, қичишиш, шунингдек, тил соҳасидаги оғриқларга эътибор беришга чақирдишди. Уларнинг таъкидлашича, камдан-кам ҳолларда беморларнинг оғзида яралар пайдо бўлиши мумкин.

Outlook наشري журналистлари билан мулоқот чоғида доктор Саттур гарчи иситмаси бўлмаса-да, кучли оғиз қуриши, шунингдек, конъюнктивит ва чарқоқдан шикоят қилган 55 ёшли бемор ҳақида сўзлаб берди. Кейинчалик эрақда коронавирус инфекцияси қайд этилган.

Шифокор таъкидлаганидек, агар қаттиқ чарқоқ оғиз бўлиши билан боғлиқ ҳар қандай аломатлар билан биргаликда намоён бўлса, одамни COVID-19 текширувидан ўтказиш керак.

ХИТОЙДА ЯНГИ ҚОНУН САБАБЛИ АЖРАЛИШЛАР СОНИ КЕСКИН ПАСАЙДИ

Хитойда кенг баҳсларга сабаб бўлган қонун қабул қилинган, ажралишлар сони 70 фоизга камайди, деб ёзмоқда Tengrinews. Мамлакат фуқаролик масалалари вазиригининг маълумотларига кўра, 2021 йилнинг биринчи чорагида тахминан 296 мингта ажралиш рўйхатга олинди. 2020 йилда бу кўрсаткич бир миллионга етган эди.

Бунинг сабаби ҳукуматнинг 1 январдан жорий қилган мажбурий "ўйлаб кўриш" муддати билан изоҳланмоқда. Фуқаролик кодексига киритил-



ган янги ўзгартиришларга мувофиқ, турмуш қурган жуфтлик ажралишни расмийлаштиришдан олдин 30 кун кутиши керак.

Ҳукумат ушбу қонунни мамлакатда ажралишлар сони кўпайиб, туғилиш даражаси камайиши фонида қабул қилган эди. Агар ажралиш учун ариза берган жуфтлик ваколатли органга 30 кундан 60 кунгача қайта мурожаат қилмаса, уларнинг мурожаати бекор қилинади. Ариза беришга оиладаги зўравонлик сабаб бўлса, "ўйлаб кўриш" муддати белгиланмайди.

Хитойликлар янги қонунни салбий қабул қилиб, айниқса, кўплаб аёллар ва ёшлар умуман турмуш қурмаслик билан таҳдид қилган. Хитой аҳолиси қонун лойиҳаси уларнинг оилавий ҳаётидаги эркинликни чеклайди, ажралиш эса энди анча қимматга тушади, деб ҳисоблаган эди.

2003 йилдан буён Хитойда ажралишлар сони кескин кўпайди, бу эса демографик инқирозга олиб келди. Мутахассислар фикрига кўра, туғилиш даражасининг пасайгани сабабли аср охирига келиб Хитой аҳолиси икки барбарга камайиб кетиши мумкин. Бунга жавобан ҳукумат анъанавий қадриятларни тарғиб этиб, ажралишларнинг олдини олишга ҳаракат қилмоқда.

УЧ ДАВЛАТ ЕВРОИТТИФОҚҚА КЎШИЛИШ ЙЎЛИДА ЎЗАРО МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАДИ

Собиқ Иттифокнинг уч давлати — Молдова, Украина ва Грузия Европа Иттифоқига аъзо бўлиш учун ўз мамлакатларини Европа стандартларига мувофиқ равишда ислоҳ қилиш ва модернизация қилиш мақсадида қўшма меморандум имзоладилар. Бу ҳақда Balkan Insight хабар бермоқда.

Душанба куни Киевда Молдова, Украина ва Грузия бу тўғрисида ўзаро келишиб олганликлари маълум бўлди.

"Ушбу янги ташаббус Европа интеграцияси томон янада самарали ва биргаликда ҳаракат қилишимизга ёрдам беради. Украина, Грузия ва Молдова Европа Иттифоқи билан муносабатларда тенг ҳуқуқли мақомга эга бўлади", — деди Украина ташқи ишлар вазири Дмитрий Кулеба.

Ҳикоя

Нажот фариштаси

Қодиржон адабиёт фанини жуда яхши кўради. Адабиёт дарси ўтиладиган кунни орзиқиб кутади. Синфдош ўғил болалар дарсдан кейин футбол ўйнашга, Қодиржон эса мактаб кутубхонасига ошиқадди. Қодиржоннинг китобга, адабиётга меҳр қўйишига устози Нигора опанинг ҳиссаси катта. Назарида бу устоз Қодиржон учун мисоли бир фариштаси.

Қодиржон синфдоши Азиз билан жуда яқин дўст. Улар битта кўчада туришади. Бир куни Қодиржон билан Азиз мактабдан қайтишга ётган эди. 4-5 ёшлардаги бир бола коптқоннинг орқасидан югуриб катта йўлга чиқиб кетди. Рўпарадан катта тезлик билан келаётган машинага қарамасдан Қодиржон болакай томонга югурди. Азиз нима бўлганини англолмади қолди. Одамлар тўпланишди. Болакайни қутқарган Қодиржон беҳуш ҳолда ётар эди. Қодиржонни “Тез ёрдам” машинасида касалхонага олиб кетишди. Жарроҳлик столидан турган Қодиржоннинг онасига шифокор ҳар куни оз-оздан юришни машқ қилдириш кераклигини айтди...

– Қодиржон, менинг қўлимдан маҳкам ушла, ҳаракат қилишинг керак, болам, – деди онаси.

– Майли ойижон, – дея Қодиржон онасининг қўлидан ушлаб, ўрнидан турмоқчи бўлди. Лекин... тура олмади.

– Ойижон, оёқларим ишламаяпти, мен ўрнидан тураолмаяпман, – деди онасига кўзлари жавдираб. – Ойижон, туролмаяпман.

– Вой ўлмасам, нимага туролмаяпсан, нахот энди юролмайсан, онанинг кўзларидан ёш думалади.

– Ойижон...

Қодиржон ҳам ояисига қўшилиб йиғлаб юборди. Онаси Қодиржонни авайлаб жойига ўтказдида, шифокор хонасига югуриб кетди.

– Доктор, доктор, болам, Қодиржон ўрнидан туролмаяпти, доктор, юролмаяпти, – деб йиғларди онаси.

– Йиғламагн опа. Юринг-чи.

Улар палатага киришганида Қодиржон ҳамон йиғлаётган эди.

– Ия Қодиржон, ўғил бола ҳам йиғлайдими? Кап-катта болая.

Шифокор Қодиржонни яхшилаб текширди. Ҳамширага тезда таҳлилларни олиш лозимлигини тушунтирди. Онани ўз хонасига чақириб, Қодиржоннинг тузалиши учун унга руҳий далда ва вақт кераклигини тушунтирди. ... Орадан озроқ вақт ўтиб она болага уйга ружсат беришди. Лекин у қандайдир тушқун аҳволда, иштаҳаси ҳам йўқ, аравачасида деразага термулганча соатлаб ўтирарди.

Бир куни Азиз дўстини кўргани келди. Қодиржон у билан ҳам ёзилишиб гаплашмади. Азиз Қодиржоннинг олдидан чиқиб тўғри устози Нигора опанинг олдига борди.

– Устоз, Қодиржоннинг аҳволи яхши эмас. Автохалокатдан кейин юролмаяпти. Докторлар вақт керак дейишган экан. Менимча, у тушқунликка тушиб қолган. Тузалишга ҳаракат қилмаяпти, устоз, унга сизнинг ёрдамингиз керак, деб йиғламансирди Азиз.

Эртаси куни дарсдан кейин Нигора опа Қодиржонларникига борди. Қодиржонни кўриб, кўзларига ишонмади. У қўлида китоб бўлса – да хаёли

паришон, бир нуқтага термулганча хаёл сурарди.

– Қодиржон, ўғлим. Устозинг келди – деди онаси.

Қодиржон орқасига қаради – ю Нигора опани кўриб, кўзлари севинчдан порлаб кетди.

– Устоз, устоз, – дерди холос.

Она бир қанча вақтдан бери ўғлининг кўзларида бундай қувонччи кўрмаганди. Устози билан ўғлини ҳоли қолдириб она секингина ташқарига йўналди.

– Қодиржон, аҳволларинг яхшими? Нима учун бунчалик тушқунликка тушиб қолдинг. Ахир сен жуда тиришқок бола эдинг – ку?!

Қодиржон индамади. Нигора опа сўзида давом этди.

– Бундай қилишинг тўғри эмас, сен ҳаракат қилишинг керак.

– Устоз, барибир фойдаси йўқ, – Қодиржоннинг кўзларида ёш милтиллади.

Бундан Нигора опанинг кўнгли бузилди. У Қодиржонни маҳкам бағрига босди. Кейин Қодиржоннинг олдига “Пўлат қандай тобланди” ва “Кўр музикачи”, деган китобларни қўйди: “Сен китоб ўқишни яхши кўрасан, бир ҳафта ичда ўқиб чиқ, мен яна келаман”.

Орадан бир ҳафта ўтди. Қодиржон устозининг топширигини бажариш учун ҳам китобларни айтилган муддатда ўқиб тугатди. Аммо ҳалиям оёққа туришга ўзида журъат тополмаётганди.

– Қодиржон китоб қахрамонларининг иродасини кўрдингми, – деди.

Қодиржоннинг кўзларида учкун пайдо бўлди.

– Ундай бўлса ҳозироқ ўрнингдан туришга ҳаракат қиласан.

– Устоз, китоб қахрамонларидаги ирода менда ҳам бор бўлиши мумкин тўғрими?

– Сенда унданам катта ирода бор.

Нигора опа Қодиржоннинг туришига ёрдам берди. Минг азоблар билан Қодиржон ўрнидан турди.

– Энди қадам ташлашинг керак, сен удалайсан.

Нигора опанинг кўмагида Қодиржон бир-икки қадам босди.

– Баракалла Қодиржон, мен сенинг удалашингга ишонаман... Ҳар куни келиб, сенга машқ қилишинг ўзим ёрдам бераман.

Эртаси куни дарсдан кейин Нигора опа яна келди. Қодиржоннинг онаси уни кўзларида қувонч ёшлари билан кўтиб олди.

– Нигорахон, сиз фариштасиз, сиз нажот фариштасиз, – дея уни кучоқлади.

– Опажон, мен эмас Қодиржоннинг ўзи кучли бола ва қолаверса китобларда ана шундай сеҳрли куч бор...

Сал нарида Қодиржон жилмайганча уларга қараб турарди.

Умида КОМИЛОВА,
Янгиариқ туманидаги
32-мактабнинг 7-синф ўқувчиси

УЧРАШУВ

ТИУ ВА МАҲАЛЛАЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетида Мирзо Улуғбек тумани аҳолиси учун ташкил этилган бепул курсларнинг тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбир давомида университет ректори Музаффар Жалолов ҳозирги кунда муваффақиятларга эришишда сифатли таълимнинг ўрни юқори эканлигини, шунингдек, университет олий таълим соҳасидаги асосий мақсадларидан ташқари, жамият олдидagi бир қатор ижтимоий мажбуриятларни ҳам бажаришини таъкидлади.

Айнан шу мақсадларни амалга ошириш учун болаларга физика, математика, инглиз тили ва ахборот технологиялари бўйича бепул курслар очилди. Шу билан бирга, маҳаллалар ёшлари учун футбол, баскетбол, шашка ва шахмат бўйича бепул спорт клублари ҳам ташкил этилган.

ЭЪЗОЗ

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

Почта алоқаси тармоғида умрини шу соҳага бахшида этган фидойилар кўп. Шундайлардан бири Хўжабой Хайруллаевдир.

Чорак асрдан буён “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қорақалпоғистон филиалининг Хўжайли тумани почта алоқаси тармоғида ишлаб келаётган бу инсон раҳбарият ва жамоадорлари орасида катта ҳурматга эга.

Яқинда 60 ёшга тўлиши муносабати билан Хўжабой Хайруллаевнинг юбилей кечаси ташкил этилди. Унда туман почта алоқаси тармоғи бошлиғи Қувват Каримхўжаев, касба уюшмаси раиси Гулзира Шакаровалар меҳнат фахрийсига қимматбахо совғалар топшириб, жамоа номидан миннатдорлик билдиришди.

Хўжабой Хайруллаев оилапарвар инсон, уч ўғил, бир қизнинг меҳрибон отаси. Ҳозирги кунда фарзандлар ва неваралар эъзозида яшашмоқда.

Биз ҳам фурсатдан фойдаланиб, юбиларимизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ ва оилавий тинчлик-хотиржамлик тилаб қоламиз!

Раҳимжон БОЛТАБОВЕВ,
меҳнат фахрийси

ЭЪЛОНЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига мувофиқ: “ARS-INFORM” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) аризасига асосан теледистурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2017 йил 30 майда берилган АА серия 0006172 рақамли; “NEW LINE GROUP” масъулияти чекланган жамиятининг

(Тошкент шаҳри) аризасига асосан теледистурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2020 йил 3 июнда берилган АА серия 0008100 рақамли;

“EASYCOST ACTIVE SALES” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) аризасига асосан маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2019 йил 6 августда берилган АА серия 0006956 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2021 йил 12 майдан тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги 205-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисоб рақамига 2021 йил 29 апрелда “Radioaloqa radioeshittirishlar va televideniye markazi” ДУК томонидан 10 000,0 минг сўм, 6 майда “Ўзбектелеком” АК томонидан 50 000,0 минг сўм ҳомийлик пуллари келиб тушди. Мазкур маблаг “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2021 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидаги “1-Автобус саройи” МЧЖ худудида жойлашган “Aziz Teks” МЧЖга тегишли муҳр ва штамплар йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қахрамонларимиз

ИЗЗАТ-ШАРАФ САРМОЯСИ САБРДИР

– Болажоним, намунча югурмасанг, югурма, хой бола, томга чиқма, йиқиласан! – Дадаси, сиз ҳам бирор марта койиб қўйсангиз-чи! Бу Шухратингиз акаларидан ҳам шўх чиқиб қолди. Қаранг, қаранг, ана, ўрадан сакраш ўйнапти. Хой бола, бас қил, дедим...

Бола болада, шўхлигини йиғиштир, деб бўладими. Шўхлик қилма дейиш гўё нафас олма, дегандек гап. Дакки бераверсангиз бола арзимаган нарсдан ҳам хавфсирайдиган, қўрқоқ бўлиб ўсади. Лекин оилада тўққизинчи фарзанд бўлиб туғилган Шухратжон нафақат шўх, балки оғриққа ҳам чидамлик чиқди. Оёғи қаттиқ оғриси ҳам чақалоқ укаси билан андирлари аяжонисига ҳам айтмади, жоним оғрияттику, демади. Хуллас, оғриқбардошлиги панд берди. Лат еган оёғи заҳалаб кетган экан. Андуҳ шамоллари эстанда Мусожон ака ва Салимажон опаларнинг охларини бир ўзалари, бир Худо билди. Қаратмаган дўхтирлари қолмади ҳеч бир шифокор давосини тополмади.

Мактабга кўтариб олиб бориб келишадиган, кейинроқ бошланғич синф ўқитувчиси уйларига келиб ўқитадиган бўлди. Устоз Ўлмажон шу муддат мобайнида ушбу оила аъзосидек бўлиб қолди. Протезга руҳсат беришгач, ўз оёқлари билан мактабга қатнай бошлади.

... Беш йилча вақт мақола-ларимни филиал ҳовлисида жойлашган билнинг марказининг кенг ва ёруғ хонасида ёзиб юрдим. Оксанажон, Дианажон, Мохиул, Дурбек, Жаҳонир, Равшанбек... Камтар, очикчехра, очикқўнғил, поқдил ва навқирон ҳамкасбларимнинг бари қалбим тўридан жой олишди. Улар каби инсоний фазилатлар жамулжам Шухратжондаги вазминлик мени айниқса ҳайратга соларди. У компютерлаштириш ва ҳисоблаш маркази бош администратори эди. Шу боис туманлардан тўхтовсиз қўнғирок бўлар, Шухратжон уларга шойилмай оҳиста жавоб қилар, тизимдаги носозликларни бартараф этар эди. Пайдарпай келадиган қўнғироклар жонига тегма-

ганига, малол олмай жавоб қилишига гувоҳ бўларканман, бу йигитнинг тоқатига тасаннолар дердим ичимда. Қойил, барака топсин. Ботини тўғри, саломат, зоҳири ҳам сахий ва салим болани тарбиялаган ота-онасига минг раҳмат, дердим. Энг ўнғай-сизланганим шуки, унинг оёғи протез эканлигини анча вақтдан кейин сездим. Шунда унинг баъзан шикастагина жилмайишларининг боисини тушунгандек бўлдим. Қандай бўлган, нима сабабдан – ўзидан ҳам, бошқалардан ҳам сўрай олмадим. У энди иш бошлаган ёш телекомчилар орасида метин иродаси, тафаккури, фикрлаши билан ибрат мактаби эди. Ажабо, унинг юз-кўзларида шафқатталаблик, ночорлик, ҳаётдан норозилик белгиларини ҳеч қачон кўрмагандим.

Ха, эътибор қилсангиз ён-веримизда жасорат ва матонат соҳибларини учратасиз. Улар илму хунар бобида юқори поғоналарга кўтарилганлар. Яна бир қарасангиз тўрт мучаси соғлар бору меҳнату мартабада бир қадам ҳам боса олмаганлар. Ҳатто шундайлар ҳам учрайдик, меҳнат қилиб ақалли ўз қорнини боқсалар қанийди, дейсиз уларни кўриб. Мени филиал жамоасида барча уни бирдай эъзозлашди, яхши кўриши ҳайратлантирарди. Бу меҳр-ни қозониш болалигида протезда юриш машаққатларини тортгани каби осон бўлмагандир. Касб-хунар коллежиде, Фарғона политехника институту тайёрлов курсига қатнаб ўқиш заҳматларини қандай енгиб ўтган экан, дея ўйлардим. Шартномада ўқиш учун маблағ бўлмаган чоғда ҳам бўш келмай, руҳини тушпирмай "Юникс" ўқув марказида компютер саводкорлигини оширганини тасаввур қилиб кўрсангиз ҳам кўп нарса ойдинлашади. Буларнинг



бари унинг саботидан далолат қилади, албатта. Бирок, у бу чеккан қийинчиликлари ҳақида ҳеч кимга ҳеч қачон оғиз очмаган. Унинг тақдири заминида одамларга, ҳаётга, ота-онага, жигаргўшаларига ва меҳнатга, касбу корга меҳру муҳаббат ётибди. Бир синов ортидан бир энгилик бордир, яратган сабрлилар билан биргадир, дейилади муборак ҳадисларда. Меҳнатга, касб сирларини эгаллашга интилишни унга ана шу риёзатлари учун мукофот қилиб берган бўлса не ажаб! Винобарин, алломалар айтганидек, бу дунёи дунда ҳавосиз яшаб бўлмаганидек, меҳру муҳаббатсиз ҳам яшаб бўлмайди. Исми шарифига муносиб Шухратжон Мўминов ва у каби қахрамонларча яшаётганлар худди бир ойна сингаридир, бизлар уларга боқиб ўз феъл-атворимизни, рафторимизни тузатишга, ислоҳ қилишга шошиламиз.

Яқинда Шухратжон билан суҳбатлашиб қолдик. Йигирма йиллик иш тажрибамиз, режалари ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Сўнг онажонисини билан телефон орқали мулоқотда бўлдим. Шухратжон ҳам, унинг муҳтарам волидаи меҳрибони Салимажон она ҳам "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоасидан чексиз миннатдор эканликларини юрак-юракдан сездим. Онаизор қўшнилари Илҳомжон Аҳмедовни узун-узун дуолар қилиб, алқадим. Маълум бўлишича, Илҳомжон

Шухратжонни филиалга бошлаб келган, суҳбатдан ўтгач, "Сизнинг ўрнингиз шу ерда. Ишни эплаб кетасиз. Мен бунга асло шубҳа қилмайман", деган экан. Қўшни қариндошдан аъло, деб шунга айтиш керакки, Шухратжоннинг компютер технологиялари билгичи, 1-тоифали муҳандис бўлиб камол топишида азиз устози Муҳаммадали Нормирзаевнинг ҳам ўрни беқийс. Зотан, талабчан устоз қўлида "пишган" телекомчи ҳаммаша эъзозу иқромда юксак самара билан ишлайди. Соҳага шиддат билан кириб келаётган янгилликлар қошида эсанкираб қолмайди.

Шухратжон турмуш ўртоғи Нигоражон билан уч нафар қизнинг бахтиёр ота-оналаридирлар. Улар мактаб ёшида. Бири шифокорликка, бири ота касбига қизиқади, бири эса ички ишлар ходими бўлишни орзулайди. Шухратжон уларнинг гўзал истиқболи учун барча шарт-шароитларни муҳайё этишга ҳаракат қилмоқда.

Суҳбатлардан яна шунинг англадимки, инсон ҳар бир кунининг иззат-шарафини, ҳаққини адо этиш билан инсон экан. Чиндан ҳам эзгу ишлар – умримиз зийнати. Яхшиликларимиз, савоб юмушларимиз ила саодат манзилларига интиламиз.

Ҳафиза САЛҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона
вилоятидаги муҳбири

Диетолог маслаҳати

Иссиқдан сақловчи маҳсулотлар

Иссиқ ҳавода енгил шўрвалар, сабзавотлар, цитрус мевалар ва нордон таомлар мақбул саналади. Россиялик диетолог Елена Соломатина интервьюсида иссиқдан сақланишга ёрдам берадиган маҳсулотларни санаб ўтди. Унинг сўзларига



қўра, иссиқ ҳавода тушлик вақтини кечроққа суриш тавсия этилади.

Мутахассис енгил маҳсулотларни оз-оздан истеъмол қилишни, гапачо, лаваги ёки кефирли окрошка каби енгил шўрваларни тавсия этади. Улар очлик ҳиссини камайтиришга ва танада йўқотилган суюқлик ўрнини тўлдиришга ёрдам беради. Улар таркибидagi сабзавотлар каллий, калций, магний, шунингдек, қуёшнинг организмга зарарли таъсиридан қочиш учун зарур бўлган антиоксидантларга бой.

Цитрус мевалар, бодрий ва резворлар танани совитишга ёрдам беради: гилос, қулпнай ва черника. Диетолог иссиқда тупук ажралишини кучайтирадиган нордон маҳсулотларни истеъмол қилишни маслаҳат беради. Бундай озиқ-овқат туфайли одам унчалик чанкамайди. Ушбу маҳсулотлар таркибидagi шарбат – бошқача суюқлик. Сув дарҳол ҳужайраларга сўрилмайди. Бу юз бериши учун организмдан муайян иш талаб этилади. Бунга ҳам энергия сарфланади, иссиқда эса бунга йўл қўйиб бўлмайди. Тетиклантирувчи маҳсулотларда бўлган шарбат шаклидаги сув танадан бу ишни талаб қилмайди. – Жазирама шароитида организмга оғир овқат кирганда, гўё иссиқда оғир жисмоний меҳнатни бажаришга ўшмайди. Бу юрак ва бошқа аъзоларга юклама, – дея тушунтирди у.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Таҳрир Хайъати:

Шухрат СОДИҚОВ (Хайъат раиси), Назиржон ХАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Лутфулло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлангани мумкин.
Наشريйдан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт

Газета саҳифаларини тайёрлашда интернет материаллари ҳам фойдаланилди.
Баҳоси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй
(Муължал Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.



Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета
ҳафтанинг
жума куни
чиқади

Газета "Ўзбекистон" наشريёт матбаа
уйи босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

V 4685 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
2 босма табок. **Адади:** 5760

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00
Босишга топшириш вақти — 24.00